

ЭКОТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мақолада экотуризм хизматлари бозорининг моҳияти ёритилиб, унинг ривожланишига оид илмий-назарий қарашлар таҳлил қилинган. Унда замонавий экотуризм бозорининг ривожланиш хусусиятларига мос келувчи такомиллаштирилган муаллифлик тарифи ишлаб чиқилган. Ҳозирда иқтисодий адабиётларда «экотуризм» иқтисодий категориясининг умумқабул қилинган тарифи ҳали ҳануз ишлаб чиқилмаган. Бунинг сабаби иқтисодий адабиётларда амалга оширилаётган тадқиқотлар объектидан келиб чиққан ҳолда олимлар унинг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилганликлари билан изоҳланади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда мақолада «экотуризм» иқтисодий категориясининг тор ва кенг маънодаги тарифлари ишлаб чиқилди.

Тор маънода «экотуризм» иқтисодий категорияси табиат бўйлаб иккиёқлама хавфсиз сайҳатни англатади. Шу билан биргаликда, унинг ҳаёвонот дунёси, ўсимликлар, ҳаёт шакллариининг хилма-хиллиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий мерослар, жамият ва унинг азолари турмуш шарт-шароитлари ва миллий иқтисодиётларнинг барқарорлиги билан боғлиқ хусусиятларига асосланган ҳолда, унга кенг маънодаги тарифни бериш мумкин бўлади. Фикримизча, «экологик туризм – бу туристлар учун экологик туризм ташкил этилаётган ҳудуд табиати, табиий ландшафтлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги маълумотларни олиш, улар билан яқиндан танишиш билан биргаликда икки тарафлама хавфсиз бўлган хордиқ чиқариш имкониятини яратиш орқали ҳудуд аҳолиси бандлигини рағбатлантириш билан биргаликда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш имкониятини берувчи туристик хизмат кўрсатиш шаклидир».

Калит сўзлар: туризм, экотуризм, экотуристлик объектлар, экотуристлик хизматлар, табиий туристик хизматлар, турист, экотурист.

Кириш

Жаҳонда «Covid-19» инқирозидан кейинги даврда туристик хизматлар бозори, жумладан, экотуризм индустриясида жонланиш тенденцияси кузатилмоқда. Халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан берилган прогнозларга кўра, халқаро туристик хизматлар бозорида 2023-2027 йилларда спорт, тиббий ва экологик туризм хизматларидан фойдаланиш ҳажми ортиб, соғлом турмуш тарзига асосланган ушбу туристик хизматлар нархининг ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичи 12,0 фоизни ташкил этади.¹ Ушбу ҳолат мамлакатларда экологик туризм салоҳиятини барқарор ривожлантириш механизмини илмий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, экотуристлик хизматлар соҳасини ривожлантиришда ҳудудларнинг экотуристлик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали барқарор ривожланиш тенденцияларига эришилмоқда. Жумладан, ушбу мамлакатларда экотуристлик хизматлар хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатилаётган экотуристлик хизматларнинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш ва уларнинг турларини кенгайтириш, экотуристлик ресурслардан оқилона фойдаланиш каби чоратadbирларнинг амалга оширилиши ҳисобига хорижий экотуристларнинг ташрифи ортиб бормоқда. Шу сабабли, иқтисодий адабиётда ҳудудлар экотуристлик салоҳиятини барқарор

¹ Названы тренды мирового туризма в 2023 году. Ассоциация Туроператоров. 02.03.2023 г. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.atorus.ru/node/51583>

ривожлантириш механизмининг услубий асосларини такомиллаштиришга оид илмий изланишлар сони ортиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонни шакллантириш шароитида туристик хизматлар бозорини ривожлантиришда мамлакатнинг экотуристтик ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан биргаликда, ҳудудларнинг экотуристтик салоҳиятини барқарор ривожлантиришга устуворлик бериб келинмоқда. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан «жойларда турмуш даражасини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги, табиий ресурслар ва экотуризм соҳаларида иш ўринларини яратишда иқлим ўзгаришига чидамлик бўйича табиий ресурсларни бошқаришга асосланган корхоналарнинг салоҳиятини ошириш»¹ устувор вазифасини белгилаб берилганлиги республика ҳудудларининг экологик туризм салоҳиятини барқарор ривожлантириш механизмини такомиллаштиришнинг методологик услубий асосларини тадқиқ этиш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммо сифатида баҳоланишидан далолат беради.

Жаҳонда туристик хизматлар бозорининг жадал ривожланиши ушбу соҳада кўрсатилаётган хизматлар турлари ва уларнинг сифат кўрсаткичларини тубдан такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Шу билан бирга, ушбу соҳа сўнгги йилларда аксарият мамлакатлар иқтисодиётининг мустақил тармоғи сифатида шаклланишга улгурди. Туризм соҳасининг глобал даражада ривожланиши ушбу соҳанинг таркибий жиҳатдан такомиллашувига олиб келиб, туристик оқим мақсадидан келиб чиққан ҳолда кўрсатиладиган туристик хизматларнинг турлари ҳам турли йўналишлар кесимида ривожлана бошлади. Жумладан, XX асрнинг 70-80 йилларига келиб, туристик хизматлар бозорида «экотуризм (eco-tour)» янги туристик хизмат йўналиши сифатида ривожлана бошлади.² Таҳлилларга кўра, экотуризм соҳасини ривожлантириш зарурияти халқаро туристик оқим ҳажмида табиат қўйнида унинг саломатлигига умуман хавф туғдирмайдиган шароитда ҳордиқ чиқариш мақсадида туристик хизматлардан фойдаланувчилар улушининг ортиши билан изоҳланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Иқтисодий адабиётда турли олимлар томонидан ўз мамлакатларининг экотуристтик салоҳиятини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, С.Қ. Кутлер, М. Сантеиро, Н. Сомерио, А. Авила-Робинсон, А.Г. Асмелаш каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан экотуризм салоҳиятини баҳоланишнинг илмий-услубий асосларига бағишланган назарий қарашлар таҳлил этилган.

Яқин хорижлик Ю.А. Веденин, Е.И. Богданова, Ю.А. Худенких, А.Н. Дунец, кабилар томонидан мамлакатда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида экотуризм салоҳиятини аниқлаш бўйича илмий изланишлар амалга оширилганлиги билан тавсифланади.

Махаллий олимлардан Н. Тухлиев, Т. Абдуллаева, Н.Т. Шамуратова, Т. Досчанов, Б.Ш. Сафаров ва бошқаларнинг илмий изланишларида мамлакатимизда экотуризмнинг ривожланиш хусусиятлари аниқланган, ҳудудларнинг экотуристтик салоҳияти баҳоланиб, улардан оқилона фойдаланиш йўналишлари ва экотуризмни бошқариш амалиётини такомиллаштириш, соҳани инновацион ривожлантириш имкониятлари тадқиқ этилган. Аммо, ҳудудларда экологик туризм салоҳиятини барқарор ривожлантириш механизмини такомиллаштиришнинг методологик асослари тизимлаштирилган ҳолда, комплекс ҳолатда, тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сон қарори. URL: <https://lex.uz/ru/docs/6303230>

² Лукичев А.Б. Сущность устойчивого и экологического туризма// Российский журнал экотуризма. - 2011. - Т. 1. - С. 3-6.

Таҳлил ва натижалар

1980 йилларнинг бошларида халқаро туристик хизматлар бозорида экотуризм энг оммабоп туристик хизматлар турига айланиб, унинг асосий мақсади табиатни муҳофаза қилиш билан узвий боғлиқ бўлиб шакллана бошалади. Бунда экотуризм хизматларидан фойдаланадиган туристлар асосан экологик жиҳатдан тоза транспорт хизматларидан фойдаланишлари, улар учун махсус ажратилган экотуристтик объектларда доривор ўсимликларни теришлари, табиат кўйнида дам олишлари, саёҳат қилишлари билан биргаликда, уларнинг вақтинчалик яшашлари учун мўлжалланган туристларни жойлаштириш объектларининг инсон саломатлиги учун зарарсиз материаллардан қурилганлиги каби хусусиятларнинг мавжудлиги ҳисобига табиатни муҳофаза қилиш экотуризмнинг бош мақсади сифатида баҳоланган.

Иқтисодий адабиётда илк бор эколог-иқтисодчи олим Г. Себаллос-Ласкурейн томонидан экотуризм атамаси иқтисодий муомалага киритилган. Унинг фикрича, «экологик туризм – бу туристлар учун табиатни ҳис қилиш, жумладан, ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш билан биргаликда уларни чуқур ўрганиш имконини берувчи атроф-муҳитга экологик жиҳатдан хавф туғдирмадиган туристик саёҳатлар мажмуаси ҳисобланади»¹. Олим томонидан экотуризмга берилган таърифда нафақат туристларнинг табиат кўйнида хавфсиз хордиқ чиқаришлари, балки уларнинг ҳам атроф-муҳитга зарар етказмасликларига эътибор қаратилганлиги ушбу туристик хизматларнинг икки тарафлама экологик жиҳатдан хавфсизликка асосланганлигини англатади. Шу билан бирган, экотуризм табиат, жумладан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш имкониятини кенгайтириши ушбу таърифда ўз аксини топганлиги билан тавсифланади.

Экотуристтик хизматлар бозорининг жадал суръатларда ривожланиши натижасида турли халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан ушбу хизмат турининг моҳиятини тушунтириш учун турли ёндашувлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Жаҳон туризм ташкилоти экспертларининг фикрича, «экологик туризм – бу табиат бўйлаб саёҳат қилишнинг барча шакллари ўз ичига қамраб олган ҳолда, бунда туризмдан кўзланган мақсад туристларнинг соф табиат билан яқиндан танишишлари ва хордиқ чиқаришлари ҳисобланади»². Ушбу тариф экотуристтик хизматлардан фойдаланадиган туристларга табиатнинг ҳақиқий гўзаллигидан баҳраманд бўлишлари учун етарли даражада шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, тарифда экотуризмни ташкил этиш жараёнида туристлар томонидан атроф-муҳитга, жумладан, флора ва фауна дунёсига етказилиши мумкин бўлган зарарлар инобатга олинмаганлиги кўзга ташланади. Бу эса экотуризмни ривожлантириш бўйича мавжуд салоҳиятни сақлаб қолиш имкониятини йўқотиш мумкинлиги хавфини уйғотади.

АҚШнинг «Халқаро экотуризм жамияти» экспертларининг фикрича, табиатга инсонлар томонидан зарар етказилмаган жойларда атроф-муҳит учун экологик жиҳатдан хавф туғдирмайдиган саёҳатларни ташкил этиш экотуризмни англатади.³ Ушбу таърифда экотуристтик хизматлар кўрсатилаётган ҳудудларда экотизимларнинг яхлитлигини бузмаган ҳолда сақлаб қолиш, унинг табиий, этнографик ва маданий хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларни туристларда шакллантиришга қаратилганлигига эътибор қаратилган. Ушбу ҳолат экотуризм нафақат туристлар, балки мамлакат иқтисодиёти, экотуристтик хизматлар ташкил этилаётган ҳудудларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш учун ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради, деган хулосага келиш имконини беради.

Фаолият йўналиши экотуризмни ривожлантириш билан маълум бир даражада боғлиқ бўлган яна бир халқаро ташкилот Жаҳон ёввойи табиат фонди экспертларининг фикрича, «экотуризм – бу табиий туристик хизмат кўрсатиш шакли бўлиб, юқори даражада

¹ Ceballos-Lascurain H. Ecotourism as a Worldwide Phenomenon. Ecotourism: a Guide for Planners and Managers. North Bennington, Vt.: Ecotourism Society, 1993. pp. 12-14

² World Tourism Organization. <https://www.unwto.org/ru>

³ Алёшина И. В. Паблик Рилейшнз для менеджеров. Учебник. - М.: ИКФ "ЭКМОС", 2010. - 480 с.

атроф муҳитни асраш имконияти мавжудлиги билан бошқа туристик хизматлардан ажралиб туради»¹. Мазкур тариф халқаро ташкилотларнинг фаолият йўналишларига мос равишда йилдан йилга йўқолиб бораётган, жумладан, «қизил китоб»га киритилган ёввойи хайвонот дунёсини сақлаб қолиш мақсадида, туристлар томонидан атроф муҳитга зарар етказиш даражасини камайтиришга эътибор қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, халқаро ташкилотлар томонидан «экотуризм» иқтисодий категориясининг моҳиятини тушунтириш борасида ишлаб чиқилган тарифлари улар фаолиятининг устувор йўналишларига мослиги билан тавсифланади. Жумладан, Жаҳон туризм ташкилоти ва Халқаро экотуризм жамияти экспертлари томонидан ишлаб чиқилган таърифларда устуворлик туристлар учун табиат кўйнида унинг бойликларидан баҳраманд бўлган ҳолда марокли хордиқ чиқаришга қаратилган бўлса, Жаҳон ёввойи табиат фонди экспертлари эса, аксинча, туристларнинг табиатга иложи борича камроқ зарар етказишлари кераклигига эътибор қаратганлар. Ушбу ҳолат халқаро даражада амалга ошириладиган тадқиқотларда «экотуризм» иқтисодий категориясига нисбатан ягона бўлган илмий қарашнинг ҳали ҳануз шаклланмаганлигига асос бўлади.

Шунингдек, турли мамлакатларда экотуризмни ривожлантириш борасида иқтисодий адабиётда кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, В.В. Храбовченко томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда ҳам айнан юқорида билдирилган фикрга ўхшаш хулосага келинган. Унинг фикрича, «экотуризм – бу табиатни асраш билан бирга барқарор ривожланишга йўналтирилган рекреацион ва туристик хизмат шаклидир»². Ушбу таъриф экотуризмнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган барқарор ривожланиш мақсадлари билан узвий боғлиқликда талқин қилинганлиги билан бошқаларга нисбатан ажралиб туради. Бунда экологик барқарорликни таъминлаш билан бирга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришга эътибор қаратилади.

В.В. Храбовченко тадқиқотлари натижаларига ўхшаш илмий қараш яна бир хорижлик олим А.Б. Лукичев илмий изланишларида ўз аксини топади ва у қуйидаги тарифни беради: «Экологик туризм – бу туристик хизматлар кўрсатиш давомида атроф-муҳитнинг тўлалигича хавфсизлигини таъминлайдиган хизматдир»³. Ушбу тарифда аввалгилардан фарқли ўлароқ туристик хизматлар кўрсатиш жараёнида атроф-муҳитни сақлаш, экологик хавфсизликни таъминлашга устуворлик қаратилганлиги унинг аҳамиятини оширади.

Шунингдек, турли мамлакатлар туризм индустриясида экологик туристик хизматларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам «экотуризм» тушунчаси ва ушбу соҳада фаолият юритишнинг йўналишлари бўйича ҳуқуқий асослар келтириб ўтилганлигини кузатишимиз мумкин. Таҳлилларга кўра, АҚШ иқтисодиётида экотуризм соҳасининг ҳуқуқий асослари ва унга мамлакат қонунчилигида берилган таъриф «Халқаро экотуризм жамияти» томонидан берилган таърифга асосланганлиги аниқланди. Бунда ҳам экотуризм орқали туристик хизматларни ташкил этиш жараёнида инсонларнинг табиатга нисбатан салбий таъсирини камайтириш, уларнинг атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда саёҳатларни ташкил этилишига устуворлик қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, экотурист хизматлардан фойдаланиш орқали туристларнинг табиат, жумладан, экотурист хизматлар ташкил этилаётган ҳудуднинг ўсимлик ва хайвонот дунёси тўғрисидаги билимларини янада ошириш имкониятига эга бўлиш ушбу хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатдан аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари амалиётида экотурист хизматларни ташкил этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар «Жаҳон туризм ташкилоти» ва «Жаҳон ёввойи табиат

¹ World Wildlife Fund. <https://www.worldwildlife.org/>

² Храбовченко В.В. Экологический туризм: Учебно-методическое пособие. М.: Финансы и статистика, 2014. - 208с.

³ Лукичев А.Б. Сущность устойчивого и экологического туризма / А.Б. Лукичев // Рос. журнал экотуризма. – 2011. – Т.1. – с. 3-6

фонди» томонидан «экотуризм» иқтисодий категориясига берилган таърифларга асосланганлигини кузатишимиз мумкин. Бунда ҳам «экотуризм»нинг атроф-муҳитга инсонларнинг салбий таъсирини камайтирган ҳолда, уларни табиат ва унинг бойликлари билан яқиндан таништириш билан бирга, туристларнинг бу борадаги билимларини ошириш ва мароқлик ҳордиқ чиқаришларини таъминлашга эътибор қаратилганлиги аҳамиятли ҳисобланади.

МДХ мамлакатлари ҳам табиий-экологик жиҳатдан ўзининг юқори даражадаги «экотуризм» соҳасини ривожлантириш салоҳияти билан ажралиб туради ва ушбу соҳани ривожлантириш бўйича мамлакатларда тегишли ислохотларга устуворлик қаратилаётганлиги унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари орқали экотуризм хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият йўналишларини аниқлаш имкониятини яратади. Жумладан, Россия Федерациясининг 2035 йилга қадар туризмни ривожлантириш стратегиясида ҳам «экотуризм» иқтисодий категориясига нисбатан таъриф берилганлиги мамлакат миллий туризм индустриясида ушбу соҳанинг муҳим ўрин эгаллаб бораётганлигидан далолат беради. Унга кўра, «экотуризм – бу табиат туризмнинг барча шакллари ўз ичига олган саёҳатларни бошқариш фаолияти бўлиб, унда туристларнинг асосий мотивацияси табиатни кузатиш ва уни сақлашга интилиш билан танишишдир»¹. Россия Федерацияси ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатда экотуризм хизматларини ташкил этиш жараёнида ушбу фаолиятнинг табиатни асрашга йўналтирилган бўлишига устуворлик қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланиб, ушбу соҳада кўрсатилаётган хизматларнинг атроф муҳитга салбий таъсирини минималлаштирилишига устуворлик қаратилганлигини аниқлатади.

«Экотуризм» соҳасини ривожлантириш унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ривожланиш тенденцияларини баҳолаш борасида қатор маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ҳам илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Н. Тухлиевнинг фикрича, «экотуризм бу – қуйидаги мақсадларда амалга ошириладиган туристик хизматларни аниқлатади: ёввойи табиатни саёҳат қилиш; табиатга минимал даражада таъсир кўрсатиш; экологик таълим олиш; табиатни муҳофаза қилишни қўллаб-қувватлаш; экологик тадбирлардан маҳаллий аҳолининг қўшимча даромадларини шакллантириш»². Н.Тухлиев томонидан «экотуризм» иқтисодий категориясига нисбатан берилган тарифда ушбу соҳа учун хос бўлган хусусиятларга асосланган ҳолда унинг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Шу билан бирга, унда экотуризмнинг инсонларнинг табиат ва унинг бойликлари тўғрисидаги билимларини кўпайтириш, уларни ўрганиш каби имкониятлари мавжуд эканлиги эътибордан четда қолган.

А.Гаппаровнинг тадқиқотлари натижаларига кўра, «экологик туризм – табиат туризми бўлиб, туристларнинг табиат бағрида ва унинг бетакрор ландшафт кўринишларига сайр-саёҳатни аниқлатади»³, деган хулосага келинган бўлса, А.П. Махмудова эса «экотуристик объектлардан ва ресурслардан туристик мақсадларда оқилона фойдаланиш жараёни экотуризмни аниқлатади»⁴, деган фикрни илгари суради. Таҳлилларга кўра, А. Гаппаров ва А.П. Махмудовалар «экотуризм» иқтисодий категориясининг моҳиятини ёритишда фақатгина табиат бўйлаб, унинг табиий бойликларидан баҳраманд бўлган ҳолда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида туристик саёҳатнинг амалга оширилишига устуворлик қаратганлар. Ваҳоланки, экотуризм фақатгина табиат кўйида саёҳат қилиш эмас, балки, рекреацион, билим олиш ва экотуристик хизматлар кўрсатишда банд бўлган аҳоли даромадларини кўпайтириши мумкин бўлган ҳолатлар инobatга

¹ Стратегия развития туризма в РФ до 2035 г. ГОСТ Р 56642-2015 «Туристские услуги. Экологический туризм. Общие требования»

² Тухлиев Н. Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. – Ташкент, 2006. - 415 с.

³ Гаппаров А. Экологик туризмни ривожлантириш мақсади, унинг ҳозирги кундаги ҳолати. Жамият ва инновациялар илмий журнали. Махсус сон 2021. № 3. - 349-355 б.

⁴ Махмудова А.П., Назарова Ф. Мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришда экотуристик инфратузилмалар яратиш ва уларнинг хизматларини такомиллаштириш йўллари. Builders Of The Future. Vol. 6. – 2022. - 123-127 б. <https://kelajakbunyodkori.uz/index.php/builders/article/view/39/33>

олинмаган. Ушбу ҳолат юқорида номлари келтирилган олимлар томонидан ишлаб чиқилган тарифлар «экотуризм» иқтисодий категориясининг туб моҳиятини ёритишдаги тор маънодаги тариф учун хос эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда О.Х. Хамидовнинг илмий изланишлари натижаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Олим «экотуризм» иқтисодий категориясининг туб моҳиятини ёритишда унга тизим сифатида баҳо берганлиги унинг тадқиқоти натижалари аҳамиятини оширади. Унинг фикрича, «экотуризм тизим сифатида ўзаро боғлиқ бўлган кичик тизимлар – табиат ва маданий комплекслар, муҳандислик иншоотлари, хизмат кўрсатувчи персонал, дам олувчилар ва бошқариш органларидан ташкил топади»¹. Ушбу тариф орқали худудларда экотуристик хизматларни ташкил этиш жараёнида бевосита ва билвосита иштирок этувчи барча элементлар ўзаро бирлашган ҳолда «экотуристик тизим»ни ташкил этади, деган хулосага келиш мумкин.

Яна бир маҳаллий иқтисодчи олим Ф.О. Ўроқов ўз илмий тадқиқотларида «экотуризм» иқтисодий категориясига нисбатан қуйидагича тариф беради: «экологик туризм – бу ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ҳамда барқарор ривожланишини тامينлаш учун табиат билан унинг бойликларидан туристик йўналишда оқилона фойдаланишни англатади»². Олим томонидан экотуризмни мамлакат иқтисодиётида барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ўрнини ёритиш орқали унинг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилинган.

Ушбу ҳолат олим томонидан амалга оширилган тадқиқот натижалари юқорида келтириб ўтилган хорижлик иқтисодчи олимлардан В.В. Храбовченко ва А.Б. Лукичевларнинг илмий хулосаларига ўхшашлик мавжуд, деган хулосага келиш имконини беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида олинган илмий хулосаларда «экотуризм» иқтисодий категориясининг моҳиятини тушунтиришда барқарор ривожланиш мақсадларининг 15 мақсади, яъни, «қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва ортга қайтариш, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиш жараёнини тўхтатиш»³ мақсади билан боғланганлиги аниқланди. Фикримизча, олимлар томонидан берилган тарифларни янада мукамаллаштиришда экотуризмни ривожлантириш орқали Барқарор ривожланиш мақсадлари таркибидаги бошқа устувор йўналишларни ҳам таъминлаш имконияти мавжуд эканлигини инобатга олиш, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда иқтисодий адабиётларда «экотуризм» иқтисодий категориясининг умумқабул қилинган тарифи ҳали ҳануз ишлаб чиқилмаган. Бунинг сабаби иқтисодий адабиётларда амалга оширилаётган тадқиқотлар объектидан келиб чиққан ҳолда олимлар унинг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилганликлари билан изоҳланади. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда «экотуризм» иқтисодий категориясининг тор ва кенг маънодаги тарифларини ишлаб чиқдик.

Тор маънода «экотуризм» иқтисодий категорияси табиат бўйлаб иккиёқлама хавфсиз сайҳатни англатади. Шу билан бирга, унинг ҳаёвонот дунёси, ўсимликлар, ҳаёт шаклларининг хилма-хиллиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий мерослар, жамият ва унинг азоларининг турмуш шарт-шароитлари ва миллий иқтисодиётларнинг

¹ Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш инструментлари ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш йўналишлари. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 й. 1-10 б. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/11_O_X_Xamidov.pdf

² Urokov F.O. (2020) Forecast And Results Of The Negative Impact Of The Covid-19 (Coronavirus) Pandemic On Thw World Economy And The Economy Of Uzbekistan. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research (ISSN-2642-7478). Vol. 02. Issue 08. – 2020. – pp. 108-116. <http://usajournalshub.com/index.php/tajjir/article/view/746/700>

³ Protect, restore and promote sustainable use of terrestrial ecosystems, sustainably manage forests, combat desertification, and halt and reverse land degradation and halt biodiversity loss. UN Sustainable Development Goals. Department of Economic and Social Affairs <https://sdgs.un.org/goals/goal15>

барқарорлиги билан боғлиқ хусусиятларига асосланган ҳолда, унга кенг маънодаги тарифни бериш мумкин бўлади. Фикримизча, «экологик туризм – бу туристлар учун экологик туризм ташкил этилаётган ҳудуд табиати, табиий ландшафтлари, ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳақидаги маълумотларни олиш, улар билан яқиндан танишиш билан биргаликда икки тарафлама хавфсиз бўлган хордиқ чиқариш имкониятини яратиш орқали ҳудуд аҳолиси бандлигини рағбатлантириш билан биргаликда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш имкониятини берувчи туристик хизмат кўрсатиш шаклидир».

Юқорида «экотуризм» иқтисодий категориясига нисбатан ишлаб чиқилган тор ва кенг маънодаги тарифлар замонавий иқтисодий адабиётларда унга нисбатан ёндашувлар ва Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг устувор йўналишларини бир нуқтага жамлаш орқали соҳанинг тутган ўрнига баҳо бериш асосида ишлаб чиқилди. Натижада ишлаб чиқилган тарифнинг универсаллиги ва экотуризмнинг нафақат иқтисодий, балки, ижтимоий ва экологик аҳамиятини бирдек инобатга олишга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Лукичев А.Б. Сущность устойчивого и экологического туризма // Российский журнал экотуризма. - 2011. - Т. 1. - С. 3-6.
2. Ceballos-Lascurain H. Ecotourism as a Worldwide Phenomenon. Ecotourism: a Guide for Planners and Managers. North Bennington, Vt.: Ecotourism Society, 1993. pp. 12-14
3. World Tourism Organization. <https://www.unwto.org/ru>
4. Алёшина И. В. Паблик Рилейшнз для менеджеров. Учебник. - М.: ИКФ "ЭКМОС", 2010. - 480 с.
5. World Wildlife Fund. <https://www.worldwildlife.org/>
6. Храбовченко В.В. Экологический туризм: Учебно-методическое пособие. - М.: Финансы и статистика, 2014. – 208 с.
7. Лукичев А.Б. Сущность устойчивого и экологического туризма / А.Б. Лукичев // Рос. журнал экотуризма. – 2011. – Т.1. – С. 3-6.
8. Стратегия развития туризма в РФ до 2035 г. ГОСТ Р 56642-2015 «Туристские услуги. Экологический туризм. Общие требования»
9. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. – Тошкент, 2006. - 415 с.
10. Гаппаров А. Экологик туризмни ривожлантириш мақсади, унинг ҳозирги кундаги ҳолати. // Жамият ва инновациялар илмий журнали. Махсус сон 2021. № 3. – Б. 349-355.
11. Махмудова А.П., Назарова Ф. Мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришда экотуристтик инфратузилмалар яратиш ва уларнинг хизматларини такомиллаштириш йўллари. Builders Of The Future. Vol. 6. – 2022. 123-127 б. <https://kelajakbunyodkori.uz/index.php/builders/article/view/39/33>
12. Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш инструментлари ва уларни амалиётда қўллашни такомиллаштириш йўналишлари. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 й. – Б. 1-10. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/11_O_X_Xamidov.pdf
13. Urokov F.O. (2020) Forecast And Results Of The Negative Impact Of The Covid-19 (Coronavirus) Pandemic On Thw World Economy And The Economy Of Uzbekistan. The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research (ISSN-2642-7478). Vol. 02. Issue 08. – 2020. – PP. 108-116. <http://usajournalshub.com/index.php/tajjir/article/view/746/700>
14. Protect, restore and promote sustainable use of terrestrial ecosystems, sustainably manage forests, combat desertification, and halt and reverse land degradation and halt biodiversity loss. UN Sustainable Development Goals. Department of Economic and Social Affairs <https://sdgs.un.org/goals/goal15>